
Давлат хизматчилари тиббий кўриқдан ўтказилмоқда

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Фарғона вилояти филиали ташаббуси билан “Соғлом давлат хизматчиси” шиори остида давлат фуқаролик хизматчиларини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ойлиги ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмат тўғрисида”ги қонуннинг 53-моддасига мувофиқ, давлат фуқаролик хизматчисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида тиббий хизмат кўрсатилиши алоҳида кафолатланган.

Шу кунларда вилоят ҳокимлиги ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда вилоятдаги барча бошқарма ва ташкилотлар ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликларида фаолият юритаётган давлат фуқаролик хизматчиларини тиббий кўриқдан ўтказиш тадбирлари ташкил этилмоқда.

Ушбу ойлик доирасида Фурқат тумани ҳокимлиги аппарат ходимлари ҳам тумандаги кўп тармоқли марказий поликлиникада чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Аниқланган ҳасталикларни даволаш, тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини ривожлантириш юзасидан ходимларга шифокор мутахассислар томонидан кўрсатма ҳамда тавсиялар берилди.





2024-01-12 16:56:03